

Шубҳасиз, ҳар қандай машаққатни меҳнат ва матонат, сабру чидам билан мардона енгиб ўтган олижаноб халқимиз бу синовлардан янада кучли ва қудратли бўлиб чиқади.

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 май куни транспорт соҳасининг барқарор ишлашینی таъминлаш ва изчил ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Коронавирус пандемияси оқибатида бутун дунёда транспорт алоқалари деярли тўхтаб қолди. Соҳадаги компаниялар бундан жиддий зарар кўрмоқда. Масалан, биргина авиация тармоғида жорий йил якунигача дунё бўйича 113 миллиард доллар йўқотилиши тахмин қилинмоқда.

Мамлакатимиз транспорт корхоналари карантин чекловлари сабабли ҳозиргача 340 миллиард сўм зарар кўрган. Эпидемиологик вазият барқарорлашгунча бу рақамлар яна ошиши аниқ.

Шу боис соҳада пандемиянинг таъсирини юмшатиш, корхоналарни иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чоралар кўриломоқда. Масалан, карантиндан энг кўп зарар кўрадиган “Uzbekistan Airways” ва “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамиятларининг 122 миллион доллар кредитлари тўлов муддатлари узайтирилди, 60 миллиард сўмлик солиқ имтиёзлари тақдим этилди. Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 50 миллион доллар микдорида айланма маблағ сифатида фоизсиз ссудалар ажратилди.

Йиғилишда янгича шароит ва талаблар асосида транспорт соҳасининг барқарор

ишлашینی таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Транспорт вазирлигига “Uzbekistan Airways” ва “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамиятларини пандемия таъсиридан олиб чиқиш бўйича бизнес модель ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Европа — Хитой йўналишида юк ташиш бозорига кириш орқали кўшимча даромад олиш, жорий ва инвестициявий харажатларни оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Рақобатни кучайтириш учун фуқаро авиацияси бозорига янги ташувчиларни жалб қилиш, “Uzbekistan Airways”ни нуфузли хорижий компания бошқарувига бериш масаласи кўриб чиқилди.

Аэропортларни модернизация қилиш, Андижон, Бухоро, Урганч ва Қарши халқаро аэропортларини давлат-хусусий шерикликка бериш бўйича тендер эълон қилиниши белгиланди.

Пандемия даврида темир йўл орқали юк ташишга талаб кескин кўпайган. Хусусан, халқаро юк ташувларида темир йўлнинг улуши 75 фоиздан 87 фоизга ошди. Бу хизматлар сифатини яхшилаш

ва таннархни тушириш орқали миқозларни кўпайтириш учун яхши имконият.

Лекин “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимида асосий воситаларнинг эскиргани, жамият таркибида носоҳавий активларнинг кўплиги асосий фаолиятни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Шу боис “Ўзбекистон темир йўллари” таркибидagi носоҳавий корхоналарни оптималлаштириш, тарифларни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш, вагон ва локомотив паркинни янгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда автотранспортда халқаро юк ташувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Сўнгги уч йилдаги ислохотлар натижа-сида мамлакатимизда халқаро юк ташувчи транспортлар сони 3 барабар ошди, юкларни ташишда маҳаллий корхоналарнинг ташки савдодаги улуши 37 фоиздан 48 фоизга етди.

Маҳаллий ташувчиларнинг қатновлар сонини янада ошириш, ташки савдода уларнинг улушини 60 фоизга етказиш чора-тадбирлари белгиланди. Битта юк транспорти беш нафаргача аҳоли

бандлигини таъминлаши, бу тармоқда 30 мингта янги иш ўрни яратиш мумкинлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ички йўналишларда қатнайдиган автобусларни янгилаш, бундай корхоналарни барқарор молиявий ресурс билан таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари ички йўллар масаласига алоҳида тўхталиб, уларнинг ҳолати ёмонлиги, одамлар бундан норози эканини қайд этди. 80 минг километр ички йўлларни реконструкция қилиш, бу борада бутун дунёда қўлланиб келинаётган “фойдаланувчи тўлайди” тизимини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Қамчиқ довонида муқобил туннель қурилишини ўз ичига олувчи Тошкент — Андижон пуллик автомобиль йўли лойиҳаси бўйича тендер эълон қилиниши белгиланди.

Мутасаддилар транспорт соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ҳисобот берди.

Ў.А.

Андижон намуна сифатида кўрсатилгани биз учун рағбатдир

Давлатимиз раҳбарининг Андижонга ташрифи чоғида ҳудуд тараққиёти, одамлар эҳтиёжлари, борингки, орзу-умидлари билан боғлиқ ҳар бир жиҳат, ҳатто бир қарашда майдадек кўринган масалаларни ҳам беш қўлдек билишларини ва уларнинг ҳеч бирига бефарқ эмасликларини яна бир бор ҳис этдик. Бундан жуда гурурландик.

Муносабат

Аввало, шуни айтиш керакки, Президентимиз ўтган йилги ташрифдан сўнг бир йил мобайнида вилоятимизда бажарилган ишларни юқори баҳолади. Дарҳақиқат, ўша пайтда белгилаб берилган вазифалар эътибордан четда қолгани йўқ. Шу жиҳатдан, вилоят раҳбарияти юрагида Ватанга бўлган муҳаббатни кучли, чин маънода фидойий, элни ўйлаб яшайдиган инсонлардан иборат эканини таъкидлади. Андижон вилояти намуна сифатида кўрсатилди.

Бу эса барчамиз учун чин маънода рағбат бўлди. Вилоят фаоллари билан ўтказилган учрашувда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид 13 та масалада алоҳида фикр билдирилди ва улар бўйича аниқ вазифалар берилди. Энг олдин аҳоли бандлиги масаласига эътибор қаратилди. Биринчи навбатда, маҳаллаларда аҳолини уй шароитида иш билан таъминлаш вазифаси қўйилди.



КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

Ўзбекистонда

2020 йил 25 май соат 21.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **3 189** нафар, тузалганлар **2 607** нафар, вафот этганлар **13** нафар.

Дунёда

2020 йил 25 май ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **5 439 559** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **2 185 696** нафар, вафот этганлар сони — **345 589** нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

Эфром ГУРМАН, АҚШнинг «Vetvitals» компанияси раҳбари, биология фанлари доктори, академик.

«Ўзбекистон ўзининг фидойи ва мард шифокорлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди»



Эътироф

Шу боис ушбу гўзал юртга меҳрим бошқача. Ва ана шундай бетақдор мамлакатга ўзим ҳам икки бор ташриф буюриш бахтига муассар бўлганман. Охири марта шу йил январь ойида борган эдим.

АҚШда истиқомат қилсам-да, Ўзбекистонда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий янгилликларни доим кузатиб бораман. Бу бежиз эмас. Иккинчи жаҳон уруши пайтида бобом ва бувимни Одессадан ушбу мамлакатга эвакуация қилишган. Кейинчалик яна она юртларига қайтишган, сўнгра тақдир тақозоси билан Америкадан кўним топганлар.

Лекин қаерда бўлишларидан қатъи назар, улар ўзбек халқининг бағрикенглиги, олижаноблиги, меҳмондўстлиги, қадимий обидалари ҳақида менга кўп гапириб беришарди. Ҳар сафар тўлқинланиб, фахрланиб, миннатдор бўлиб сўзлашарди.

Мени БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан Самарқанд давлат университетиди ташкил этилган муҳим халқаро илмий конференцияга таклиф қилишганди. Сафар давомида анжуман-

да қатнашишдан ташқари, Самарқанд ва Бухоро, Фарғона водийсининг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдим. Бобом ҳамда бувимнинг ҳикояларига амалда яна бир бор гувоҳ бўлдим.

этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Охириги 2-3 йиллик фаолиятни таҳлил қиладиган бўлсак, банклардаги ликвид активлар 23 фоиздан 11 фоизгача тушиб кетгани аён бўлади. Бу эса банкларнинг тўлов қобилияти, демакки, молия муассасалари ҳисоб рақамидаги тайёр пул ҳажми псайиб кетди, деганидир. Қолаверса, қайтиш муддати ҳам кечикади. Бундай ҳолларда тезкор тўлов операцияларига зарурат туғилиб қолса, банк банкрот ҳолатига тушиб қолиши ҳеч гап эмас.



Ҳаёт йўлим ва касбим тақозоси билан ҳам Ўзбекистонда, ҳам Америкада кўплаб Ўзбекистонлик танишлар орттирганман. Улар орасида қадрон дўстларим жуда кўп. Соҳам тиббиётга бевосита яқин бўлгани учун уларнинг орасида турли соҳа вакиллари қатори тиббиётчилар, олимлар ҳам бор. Ва бундан фахрланаман. Бугунги пандемия шароитида кўплаб мамлакатлар қатори, Ўзбекистондаги шифокорлар ҳам ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб келаётганидан хабарим бор. Уларнинг фидойилиги, меҳнат-севарлиги, матонатига ҳар қанча таҳсин айтсанг арзийди.



Банк тизимидаги ислохотлар орқали кўплаб муаммолар ҳал этилади

Маълумки, жорий йилнинг апрель ойида Олий Мажлис Сенатида Марказий банк раисининг ҳисоботи эшитилган эди. Очигини айтиш керак, ўшанда бу ҳисобот сенаторларни ҳам, раҳбариятни ҳам қониқтирмаганди. Негаки, давлат раҳбари қайта-қайта таъкидлашига қарамай, банк тизимида давлат улуши юқориликча қолмоқда.

Мушоҳада

Айни пайтда бу кўрсаткич 85 фоизни ташкил этиши ҳам шундан далолатдир. Мазкур масала долзарб бўлса-да, ҳанузгача ечим топилгани йўқ. Бу эса банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир ўтказмай қолмапти.

Президентимизнинг шу йил 12 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони ана шу каби муаммоларни бартараф

БУ ЗАМИНДАН ЯНА ТЕРМИЗИЙЛАР ЧИҚАДИ

Эл-юрт тақдирини белгиловчи омиллар кўп. Мамлакат тараққиётини таъминловчи воситалар ҳам талайгина. Таълим-тарбия масаласи улар ичида энг муҳими саналади. Боиси келажаkning қафолати шунда! Эртамиш эгалари билими, ақл-идроки, истеъдоду салоҳияти эса янги Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлигидир.

Таълим

Бугун мактабгача таълимдан то олий таълимнинг энг сўнгги босқичигача ислоҳ қилинапти. Ҳеч бир бўғин эътибордан четда қолаётгани йўқ. Боғча, мактаб, коллежу лицей, институт ва уни-

верситетлар — барча-барчасининг фаолиятини замон талабларига мослаштириш чоралари кўрилаётди. Биргина олий таълим тизимидаги янгиланишлар соҳада узоқ йиллар тўпланиб

қолган муаммолар ечимига йўл очди. Давлатимиз раҳбарининг бу жабҳа истиқболига доир бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Уларда тизимга янги инновацияларни татбиқ этиш, хорижий тажрибани ўзлаштириш, таълим турлари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, юқори малакали кадрларни жалб қилиш, илмий салоҳиятни юксалтириш, рақобатбардорш мутахассислар етиштириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилган.



Шавкат МИРЗИЁЕВ Парламент ҳаёти

ҲАР БИР ИШДА ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАСИ ИНОБАТГА ОЛИНИШИ ЗАРУР

Табиатни аслича, атроф-муҳитни мусоффо сақлаш бугун пайдо бўлган муаммо эмас. Шу билан бирга, ушбу масалалар фақатгина бир ҳудуд ёки минтақага ҳам дахлдор эмас. Улар барчага тегишли. Бинобарин, табиатни қанчалик асраб-авайласак, келиб чиқиши мумкин бўлган экологик муаммоларнинг қанчалик вақтли олдини олсак, эртанги ҳаётимиз ҳам шунчалик яхши бўлади. Шу маънода, ҳозир юртимизда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Зотан, қайд этганимиздек, бугунги савий-ҳаракатлар келажақ учун қўйилган муҳим қадамдир.

Яқинда Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан сайловли дас-турида белгиланган бир қатор вазифаларнинг Навоий вилояти мисолида ўрганилиши ҳам ана шундай савий-ҳаракатлар самарасидир. Икки кунлик тадбирлар Президентимизнинг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канали-

зация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори ҳамда 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросига бағишланди.



Ижтимоий ҳимоя йўналишидаги бошқарувни такомиллаштириш қанчалик муҳим?

Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида жорий йилда ижтимоий сиёсатнинг янги устувор йўналишлари белгилаб берилган. Уларнинг ажралиб турадиган хусусияти, бу — мамлакатда тегишли вазифаларни БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш.

Депутат фикри

Давлат дастурида жорий йилда ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўлган Камбағалликни қисқартириш дастурини ишлаб чиқиш билан бирга, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини яратиш ва қабул қилиш вазифаси ҳам кўзда тутилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қўйи палатасидаги фракцияси томонидан тегишли эксперт гуруҳлари, жумладан, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепцияси лойиҳасига таклифлар

тайёрлаш бўйича ҳам ана шундай гуруҳ ташкил этилди. Ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган меъёрий-ҳуқуқий экспертизаси шуни кўрсатдики, аҳолининг эҳтиёжманд гуруҳларини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилувчи муаммолардан бири ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солувчи ва бу борада тегишли мувофиқлаштириш ваколатларига эга бўлган ягона органнинг мавжуд эмаслигидир.



ҲАР БИР ИШДА ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАСИ ИНОБАТГА ОЛИНИШИ ЗАРУР

Уларда 2019 йилда Давлат бюджети доирасида марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ҳисобидан сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишнинг манзилли дастури асосида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Мулоқот ва муҳокамалар

Ўрганиш жараёни дастлабки кунданок учрашув ва муҳокамаларга бой бўлди.

Хусусан, 11 май кун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Б. Алихонров раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан Навоий вилояти партия ташкилотига карантин шароитида ишни тўғри ташкил этиш, карантин талабларига риоя қилиш, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш, депутатлик назорати институтидан фойдаланиш, маиший чиқиндилар полигонлари ва чиқиндиларни вақтинча йиғиш шохобчаларини доимий тарзда дезинфекция қилишни амалга ошириш ва уни назорат этиш ҳолати каби масалалар юзасидан йиғилиш ўтказилди. Унда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 18 майдаги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 25 сентябрдаги “Сув объектиларини муҳофиза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижроси Навоий вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибиде ўрганишга тайёргарлик қуриш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, вилоятда атроф-муҳитни муҳофиза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, маиший чиқиндиларни бошқариш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, канализация тармоқлари ҳолати, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, саноат корхоналарининг салбий таъсирини камайтириш, санитария эпидемиологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли соғлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, вилоятдаги экологик ҳолатга салбий таъсир ўтказаяётган омиллар ҳусусида партиянинг вилоят кенгаши аъзолари, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлари билан бевосита мулоқот ташкил этилди. Ушбу масалалар юзасидан мавжуд муаммоларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун

Эътиборсиз қолган ихтиролар

Тадбирлар асносида Экологик партия, унинг фракциясига ўз ишланмаларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашсини сўраб мурожаат қилган ёш ихтирочи билан учрашув ташкил этилди.

Бугунги экологик муаммолар глобаллашган бир пайтда уларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришнинг энг мақбул йўли барча соҳада, айниқса, саноат, қишлоқ хўжалигида экологик тоза, ресурстежамкор технологияларни қўллаш ҳисобланади. Навоий ҳар иккала соҳада ҳам республикамиздаги энг муҳим ҳудудлардан бири эканини инобатга олсак, вилоят учун бу жуда долзарбдир.

Эътиборлиси, ҳозирги кунда партияга бу борада ўзининг илғор ғоя ва тақлифлари билан мурожаат қилаётган ташаббускор ёшлар талайгина. Навоий қончилик коллежининг 3-босқич ўқувчиси Достонбек Мухторов улардан бири. Учрашув чоғида ёш ихтирочи ўз ғояларини амалга оширишда ёрдам сўраб, қатор вазирлик ва идораларга, корхонаю, ташкилотларга мурожаат қилганини, аммо ҳозиргача ҳеч қандай натижа бўлмаётганлигини билдирди. Ваҳоланки, унинг тақлифлари бири-биридан қизик. Шу боис унинг беморлар учун функционал кроватлар ишлаб чиқариш, стационар велотренажёрлар ўрнатиш орқали электр энергияси олиш ишланмаси, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳамда аҳолидан чиқиндиларни қабул қилиш ва қайта ишлатиш ташкил этиш борасидаги тақлифлари кенг муҳокама қилинди. Ёш истеъдод соҳибига ғоя ва тақлифларини технология таксимлаштириш, иқтисодий асосланганлиги бўйича кўрсатмалар берилди. Асосийси, шу ернинг ўзиде Инновацион ривожланиш вазирлиги раҳбарлари билан боғланиб, ёш ихтирочининг ишланмаларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан келишиб олинди. Шу билан бирга, ёш ихтирочининг Навоий вилояти партия ташкилотига қоишда “Ёш эколог ихтирочилар” клубини ташкил этиш бўйича тақлифи қўллаб-қувватланди.

Саноатимизнинг ноёб маҳмуаси

Навоийда нафақат вилоят, балки республикамиз учун аҳамиятли бўлган йирик саноат корхоналари

бир нечта. Улар орасида эса “Navoiyazot” акциядорлик жамиятининг алоҳида ўрни бор. Айни пайтда корхонада қарийб 9,5 минг нафар ишчи-муҳандислар меҳнат қилаётгани, улкан саноат мажмуасида 70 дан ортиқ ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани фикримиз тасдиғидир. Шунингдек, ҳозир уни модернизация қилиш, қувватларни янада кенгайтириш максатиде қатор йирик инвестиция лойиҳалари босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда. Лекин шу ўринда бир савол юзасида чиқади: корхона фаолияти табиғатга зарар келтирмайптими, саноат объектида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қандай чоралар кўрилмоқда?

Корхонада бўлиб ўтган учрашувда айни шу саволлар атрофида фикр алмашилди. Мулоқотлар давомида маҳаллийлаштириш, модернизация қилиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлиғига қаратилган қатор тақлифлар билдирилди. Жумладан, “Navoiyazot” акциядорлик жамияти балансидаги Биоховузни реконструкция қилиш орқали Зарафшон дарёсига тўғридан-тўғри ташланадиган оқоваларни биологик тозалаш ишшооти ни тиклаш, азотли бирикма тайёрлашда ҳосил бўладиган ва атмосферага чиқарилаётган ифослантитувчи нитрозли газларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилди.

Таъминотдаги ахвол ўрганилди

Ўрганишлар жараёнида вилоят аҳолини ичимлик суви ва саноат корхоналарини техник сув билан таъминловчи “Иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонаси фаолияти билан яқиндан танишилди.

“Иссиқлик манбаи” ДУК фойдаланувидеги сув, иссиқлик ва канализация тармоқлари қувурлари муддатини 100 фоиз ўтаб бўлган. Лекин у айни пайтда Навоий шаҳрига йилгича ичимлик суви сифатида 25 млн. кубометр ҳамда техник сув сифатида 27 млн. кубометр сув етказиб бермоқда. Булар эътибор-талаб масала.

Навоий вилояти уй-ҳой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, “Сувовқов” ташкилоти ва вилоят ҳозирги пандемия шароитида учрашувда ушбу ҳамда пандемия шароитида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сув тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш, аҳолининг сув билан таъминланганлик даражасига эътибор қаратилди. Шу жумладан, Қизилтепа ва Қармана туманларидаги сув тозалаш иншоотлари, канали-



зация тизимлари ҳолати, марказий сув таъминотидан олис ҳудудлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби масалалар муҳокама қилинди. Зеро, инсон саломатлигини сақлашда сувнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилоти маълумотиға кўра, касалликларнинг 85 фоизи бевосита сув билан боғлиқ экан. Афсусланарлиси, ҳар йили 25 миллион киши айнан шундай ҳасталиклардан вафот этади. Демак, аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш жуда долзарб.

Ерга меҳр берган кам бўлмади

Ишчи гуруҳнинг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати А. Жалилов, халқ депутатлари Қизилтепа тумани Кенгаши депутати 3. Рашидова, Ф. Сафаров, Б. Жумаев иштирокида Қизилтепа туманида бўлиб ўтган учрашувда атроф-муҳитни муҳофиза қилишга оид барча ҳолатлар қаторида, карантин шароитида томирқалардан самарали фойдаланиш, кам таъминланган оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам асосий мавзулардан бири бўлди. Муҳокамалар амалий ҳаракатга айланиб, “Вангози” МФИда икки нафар фарзандни ёлғиз тарбиялаётган Сайёра Полсаева ҳамда ногиронлиги бўлган фарзанди бор Мақсуда Норова ва Зиёдулла Ражабов хонадонига боришди.

Эътиборлиси, хонадонлар томирқаларни тўқис. Экин-тикинларга меҳр билан ишлов берилган. Хусусан, Сайёра Полсаева ўзининг бир парча ерида полиз экинлари етиштираётган бўлса, Зиёдулла Ражабов оиласида ипак қуртини парвариш қилиш баробарида, томирқасидан ҳам самарали фойдаланмоқда. Орамизда етарлича ер ва қучга эга бўла туриб, томирқага ёт назар билан қараётганлар ҳам учраб турган бир пайтда уларнинг бу ишлари таҳсинга лойиқ, албатта. Шундай экан, “қўли қалта” бўлса-да, қалби тоза, меҳнатсевар инсонлар ардоқланиши, рағбатлантирилиши лозим. Чунки улар бошқаларга ўрнак. Ва амалда шундай

бўлди ҳам: туман ҳокими ўринбосари ва маҳалла раиси билан уларни қўллаб-қувватлаш бўйича келишиб олинди.

Ўз навбатида, ишчи гуруҳи томирқасида ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиб, ичмам иссиқхоналардан юқори даромад олаётган оилаларда ҳам бўлишиб, уларнинг ижобий ютуқларини кенг тарғиб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Техамкорлик — давр талаби

Иқтисодиёт тармоқларида сув тежовчи технологиялардан кенг фойдаланишга қаратилган лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш ҳисобига сув сарфини камайтиришга эришиш ҳамда томчилаб сугориш тизимини сугориладиган ерларнинг 25 фоизгича майдониде самарали жорий қилишни таъминлаш, шунингдек, “Ақлли қишлоқ хўжалиги”ни кенгайтириш Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловолди дастуридан ўрин олган муҳим вазифалардан саналади.

Шу боис партия фаоллари томчилаб сугориш технологияларини жорий қилаётган фермер хўжалиқларида бўлиб, уларнинг ютуқларини ўрганиш ва ижобий тажрибаларини тарғиб қилиш баробарида, улар дуч келаётган муаммоларга ечим топиш мақсатиде жойларда ўрганиш ишларини изчил олиб бермоқда. Навоий вилотидаги ўрганишлар жараёнида ҳам бунга амал қилинди. Яъни Қизилтепа туманида Эрон технологияси асосида 32 гектар пахта майдониде томчилаб сугориш тизимини йўлга қўётган “Вангози баракали ҳосили” фермер хўжалиғи фаолияти билан танишилди. Фермер хўжалиғида ушбу тизим орқали сув сарфини 40 фоизгача қисқартириш, ҳосилдорликни эса 30 фоизга ошириш мўлжалланган. Қолаверса, бу билан ер эрозиясининг ҳам олди олинди. Бундан кўринадики, табиғатга зўян қамаяди, махсулот эса қўпаяди. Бундай тажрибаларни оммалаштириш кони фойдадир.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ («Халқ сўзи»).

Ижтимоий ҳимоя йўналишидаги бошқарувни такомиллаштириш қанчалик муҳим?

Масалан, ногиронлиги бор инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ўндан ортиқ вазирлик ва идоралар ваколатига киритилган. Аникроги, ногиронлиқни белгилаш ва ногиронлиги бор шахсларни тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатига, уларни ишга жойлаштириш — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, махсус мактаб-интернатлар фаолиятини ташкиллаштириш — Халқ таълими вазирлиги, уларнинг транспорт хизматлардан фойдаланиши Транспорт вазирлиги ваколатига дахлдор. Кам таъминланган оилалар, пенсионерлар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Айни дамда юқорида санаб ўтилган давлат органларининг ҳеч бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи вазифаларни бажармайди.

Шу билан бирга, ишчи гуруҳининг тегишли хорижий тажриба ўрганишлари шуни кўрсатдики, халқроқ ҳуқуқнинг умумэтироф этилган ҳужжатларига кўра, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муайян мамлакатда тўғридан-тўғри давлат томонидан ёки унинг назорати остида қафолатланган даражани аниқ бир давлатда ўрнатилган минимал стандартлар (меъёрлар)га мувофиқ келадиган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий, ташкилий, тиббий ва бошқа тадбирларнинг ягона тизими сифатида қаралади.

Айни дамда АҚШ, Европа, МДХнинг аксарият мамлакатларида эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича турли давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатиға катта эътибор

қаратилади. Масалан, АҚШда тегишли мувофиқлаштириш вазифалари Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар вазирлиғига, Буюк Британияда Меҳнат ва пенсиялар вазирлиғига, Францияда Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиғига, Швецияда Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирлиғига юклатилган.

Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ушбу йўналишдаги ўз ишнини давом эттирида ва бу соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш тўғрисида тақлифлар киритишни режалаштирмоқда.

Хорижнинг ижобий тажрибаси бўйича юқорида келтирилган мисолларни ҳисобга олганда, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини Бандлик, меҳнат муносабатлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиғига юклатилган. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сиёсат вазирлиғи сифатида ёки Соғлиқни сақлаш вазирлигини Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сиёсат вазирлиғи сифатида қайтадан ташкиллаштириш мумкин. Вазирликка эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ягона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасидаги мувофиқлаштириш ваколатларини бериш орқали долзарб масала ижобий ҳал этилиши мумкин.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида билдирилган Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ҳамда самарали тизим яратиш тўғрисидаги кўрсатмалари бу масалани чуқур муҳокама қилиб, фикр ва тақлифлар асосида самарали ечимга келинишини тақозо этади.

Улугбек ВАФОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Банк тизимидаги ислохотлар орқали кўллаб муаммолар ҳал этилади

Дейлик, миқозлар миллиардлаб пулини банкларда сақлайди. Банклар бу маблағлардан кредит бериш ҳамда турли лойиҳаларни молиялаштиришга фойдаланади. Бордию ҳозирги пандемия шароитида миқозлар ўз пулини қайтаришни талаб қилса, банк тўлаб бера олмай қолиши мумкин.

Яна бир жиҳат, риск концентрациясига оид. Яъни йирик кредитларнинг катта қисми давлат улуши бор банклар ҳисобига тўғри келмоқда. Бу эса коррупция ҳолатлари юзаси келишига сабаб бўлмоқда.

Табиийки, ана шу каби салбий ҳолатларни бартараф этиш учун банк соҳа-

сида рақобатни ривожлантириш талаб қилинади. Юқорида номи айтиб ўтилган Фармон шу муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Унга кўра, молия бозориде тенг рақобат шароитини яратиш маилкачимизда банк секторини ислох қилишнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Шу мақсадда халқаро молия институтлари кўмағида “Ипотека-банк” АТББ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Асака” АТБ, АТ “Алоқабанк”, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ ва “Туроббанк” АТБда давлат улушларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, биринчи босқичда уларни институционал вазирлаш, яъни

(фаолиятини трансформация қилиш), иккинчи босқичда эса давлат акциялари пакетини сотиш назарда тутилмоқда.

Бунда банк тизимини ислох қилиш даврида аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизми (“лоийҳалар фабрикаси”)ни кенг жорий қилиш, банк хизматлари ҳудудий қамровини таъминлаш мақсатиде “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ, “Агробанк” АТБ ва “Микрокредитбанк” АТБ устав капиталлариде давлат улушини сақлаб қолиш ва уларга функционал вазирлаш, яъни

Баҳодир ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Эҳтиёжманд оилалар қўллаб-қувватланмоқда

Тошкент вилотида аҳоли ўртасидаги камбағалликни бартараф этиш борасида янги-янги ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Муборак Рамазон ҳайити арафасида мана шундай савобли ишлардан яна бири ниҳояланди. Ҳудуддаги 22 та шаҳар ва туманнинг секторлар раҳбарлари, ҳоийлар ва тадбиркорлар иштирокида, уйма-уй юриш орқали саховат ва кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатилди.

Ғамхўрлик

Хусусан, вилоят ҳокими Рустам Холматов Нурафшон шаҳри, Ўрта Чирчиқ, Оқўрғон туманларидаги эҳтиёжманд оилалар ҳақида хабар олди. Совғасалом ва моддий ёрдам кўрсатилди.

— Меҳр-муруват одамға катта далда бўлади, — дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги “Ўртаовун” маҳалла фуқаролар йиғиниде истиқомат қилувчи Арабгул Илёсова. — Қатор йиллардан буён оғир дарддан азият чекам. Тақдир экан, ўғлим ва келинимнинг ҳам соғлиғи яхши эмас. Биздек кўмакка муҳтожларга давлатимизнинг бу эътибориде Нурафшон шаҳрида ижарада яшовчи Зухра Дадаева тез кун-

ларда уй-жой билан таъминланадиган бўлди. Кексаларнинг ўғити катта мактабдир. Оқўрғон туманидаги Хамид Олимжон номидаги МФИда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Файзулла Нурматов 100 ёшни қаршилади. Кўпни кўрган инсон. Бу хонадонга ташриф буорган масъуллар турмушидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида отахоннинг ҳаётий тажрибаси ҳақида гурунқлашдилар. Самимий мулоқот чоғида у киши тинч, фаровон кунларимизга шукроналик билдириб, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликларга, бутун дунёға хавф солган касалликка қарши курашда, табиий офатни бартараф этишда амалга оширилаётган ишларга муваффақият тилаб, дуо қилди.

Туманнинг “Зарбдор” МФИда яшовчи Гуллулла Жамолова уч синглисини ота-онасиз тарбияламоқда. Жаҳми қизалоқларнинг орзуси — пухта билим олиш ва мутахассисликка эга бўлиш. Улар хонадонидеги самимий

суҳбат жараёнида қайд этилгандек, бугунги замон ҳар биримиздан хушёрликни, масъулият ва ватанпарварликни талаб этимоқда. Фарзандларимизни асраб-авайлаш, уларни юксак маънавиятга, юрт қорига ярайдиган авлод этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз. “Ўз болангнинг ўзинг асра”, деган эгзу шiori бугунги кун талаби экани яна бир бор таъкидланди. Р. Холматов пухта билим ва фойдала қасб эгаллаш ҳаракатидаги бу ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни билдириб, ушбу оила вилоят ҳокимлигининг доимий назоратида бўлишини айтди. Хонадондаги мавжуд муаммолар ҳал этилди.

— Бугун бизга қўрсатилган кўмак дунёда яхшилар кўп эканининг исботидир, — дейди Г. Жамолова. — Албатта, бу кунлар ҳам ўтади. Энг муҳими, бундай ибратли ва савобли ишлар бир умр ёдимизда қолади. Келажакда шунга муносиб бўлиб, Ватанимиз равнақига ҳисса қўишиға интилашимиз. Ҳаммаси учун раҳмат.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги аҳвол қандай?

Кеча Андижон вилотида Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари билан биргаликда сайёр мажлиси ўтказилди.

Сайёр мажлис

Унда Сенатнинг 2020 йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ, Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш юзасидан мақсуд ҳудудда амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, вилотида қриминоген вазиятни барқарорлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳақда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсатиде “Намунали ҳудуд” доирасида муайян ишлар олиб боришмоқда. Бу бўйича ички ишлар органлари томонидан бошқа мутасадди идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Натижада 2019 йилда вилотида содир этилган умумий жиноятлар 3,8 фоиз камайишига эришилган.

Бундан ташқари, мажлисда ушбу йўналишда учраётган қамчиликларга эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш юзасидан жамоат ташкилотлари билан биргаликда ишлар етарли даражада олиб борилмаганлиги оқибатида вилотида 463 нафар аёл, 1 233 нафар ёш ҳамда 1 394 нафар ишсиз томонидан жиноятлар содир этилган. Хусусан, бу борада Андижон шаҳрида вазият нис-

батан ёмонлашган. Вилоят бўйича жиноят содир этган ёшлар ва ишсизларнинг ҳар тўртинчиси, аёлларнинг эса ҳар учинчиси ҳам шаҳар ҳисобига тўғри келган.

Мажлисда сектор раҳбарлари ва бошқа масъул идоралар мутасаддилари томонидан ана шу каби жиноятларнинг олдини олиш чоралари қўрилмагани танқид қилинди. Бундан ташқари, сайёр мажлисда Андижон вилоти ички ишлар бошқармаси бошлигининг ахбороти ҳам эшитилди.

Шундан сўнг Сенат томонидан маҳаллий Кенгашларга қўриб чиқиш учун юборилган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-иқроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари билан муҳокама этилди.

Қонуннинг қабул қилиниши келгусида маҳкумларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, жазоани ижро этиш тизимига шахсини ахлоқдан тузатиш ва жамиятга иқтимоий мослашувини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида айтиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

Андижон намуна сифатида кўрсатилгани биз учун рағбатдир

Бугун ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, ноъанъавий чорвачилик турларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият беряпмиз. Жумладан, қўнчилик йўналишида қишлоқ хўжалиги кластерлари аҳоли билан бевосита ишлайди. Яъни банд бўлмаган оилаларга қўн жўфларни тарқатиш, бу жониворни боқиш тежнологияси ўргатилади, кластерлар эса одамларга ойлик маош тўлаб туради. Шунингдек, бройлер жўжалар, асалари боқиш, балиқчилик йўналиши ҳам шу йўсинда ривожлантирилади. Чорвачиликнинг мана шу йўналишларини йўлга қўйган аҳолиға ветеринария хизмати кўрсатиш таъминланади.

Ҳозирги кунда маҳалаларда шу иш билан шуғулланишни мумкин бўлган фуқаролар рўйхати тизимлоқда. Бунда биз Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиғи вазирлиги ва бошқа масъул идоралар мутасаддилари билан биргаликда иш олиб бориамиз.

Кези келганда айтиш жоизки, яқин ўтмишда вазирлар қўнчилиқ учун жуда баянд, етиб бўлмас мавқедаги одамлар бўлган. Кейинги уч йил мобайнида вазият буткул ўзгарди. Эндиликда биз юқори лавозимли шахслар билан елкама-елка иш олиб борапмиз. Давлатимиз раҳбари вазирлар кабинетиде эмас, кўпроқ одамлар орасида бўлиши кераклигини бот-бот таъкидлайдилар. Шу боис улар шу кўрсатмага

амал қилиб, биз билан бирга, уйма-уй юриб, аҳолини ўйлантирган масалаларни ўрганиб, амалий иш олиб бермоқдалар.

Бу жараёнда туманлардаги энг чекка қишлоқлар ҳам диққат марказида бўлиб турибди. Хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўналишида энг қамида уч маҳалла қамраб оладиган тўқимачилик корхоналари ташкил этилган. Уларнинг ишини йўлга қўйишга тайёр тадбиркорлар аниқланиб, ер ажратилиши бошланди.

Учрашувда ёшлар бандлиғи ҳам алоҳида уруғ берилди. Жумладан, мактабларда 11-синф ўқувчиларини қасбга йўналтириш долзарб вазифа сифатида олдимизга қўйилди. Бунда, аввало, уларнинг қўзиқчиларини ҳисобга олиш, фермерлик, ҳунармандлик, қосибчиқ йўналишлари доирасида турли дастурлар бўйича йиғит-қизларни қасбга бепул ўқитиш ташкил этилган. Ўзим раҳбарлик қилаётган Андижон туманидаги “Орол” маҳалла фуқаролар йиғинида попогчилик бўйича яхши тажриба мавжуд. Уларни ёшларга ўргатиш борасида “Устоз — шогирд” анянасини асосида қўллаб ёшларимизни бепул ўқитишми. Қолаверса, тикувчилик, мебелсозлик каби йўналишларда ҳам ёш авлод керакли билим ва қўнқималарни олапти

Бугуннинг гапи

оширилмоқда. Ушбу ҳа-
саллик билан боғлиқ ҳар
қандай саволларга "1003"
қиска рақами орқали Call-
марказга боғланиб, жавоб
олиш мумкин. Ҳатто шифо-
корлар қабулида бўлиш ва
тиббий тавсиялар олишни
истасак, Соғлиқни сақлаш
вазирлиги хузуридаги
Он-лайн поликлиника —
www.askdoctor.uz веб-сайти-
га масофадан мурожаат
қилиш имконияти ҳам
яратилган.

Бугунги вазиятдан келиб
чиқиб, Жаҳон соғлиқни сақ-
лаш ташкилоти мутахассис-
лар тавсиялари — кўлни
мунтазам совун билан ювиш,
антисептик воситалардан,
тиббий кийорлардан фойда-
ланиш, гавжум жойларга за-
руратсиз бормаслик, жамо-
ат жойларида бошқалар би-

аслиги метрилик масофаси
саклаш, имкон қадар қўллар
билан қўз, бурун ва оғизга
тегинмаслик зарур. Бу
талаблари биров мажбур-
ляпти, деб эмас, оғил-
равшида бажарайлик.

Мисол учун, тиббий ни-
қобни бурун, оғиз ва иякни
беркитадиган қилиб тақай-
лик, ниқоб ва юз орасида
очик жойлар қолмасин. Бир
марталлик ниқобларни ҳар
соатда, матоли ниқобларни
эса ҳар 2-3 соатда алмашти-
ришга эринайлик. Еки уйда
қолиш ва ўз-ўзини изоляция
қилиш учун масофавий
хизмат турларидан фойдала-
наётини ўрганайлик. Ахир бу-
гун бутун дунё нама шундай
тартибга аям қилмоқда. Биз
ҳам бу қоидаларни турмуш
тартимизга айлантирасак,
ўзимизни, ақинларимизни
касалланишдан ҳимоя қила
оламиз. Коронавирус усти-
дан ғолиб бўламиз.

Ақмал РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт
институты 1-педиатрия
факультети декани,
тиббиёт фанлари доктори.

Эфроим ГУРМАН,
АҚШнинг «Vetvitals» компанияси раҳбари,
биология фанлари доктори, академик.

«Ўзбекистон ўзининг фидойи ва мард шифокорлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди»



Биласизми, аслида буларни ёзишимга икки хил янглик сабаб бўлди. Биринчиси, Ўзбекистонда самарқандлик бир шифокорнинг жиний жавобгарликка тортилгани ҳақидаги хабарни ўқиб, дилим хуфтон бўлганди. Бутун дунё тиббиёт ходимлари зиммасига ҳар қачонгидан-да масъулиятли вазифалар юклатилган бир пайтда наҳот врач шу ишга қўл урган бўлса, дея ўзимга ўзим савол бердим. Бундай бўлиши мумкин эмас, деган ички таъкид эса мени тинч қўймаётганди. Шундан сўнг, қани нима бўлар экан, дея воқеалар ривожини кузатиб бордим. Буни қарангки, яқинда ўша шифокор айбисиз, деб топилиб, қўлибди. Бундай адолат тانتанасидан жуда хурсанд бўлдим.

Чунки пандемия жаҳон ҳамжамиятини жуда қаттиқ саросимага солиб қўйди. Буни биргина ривожланган давлатлар мисолида ҳам кўришимиз, баҳолашимиз мумкин. Кунинча минглаб одамлар инфекция қурбонига айланмоқда. Баъзи мамлакатларнинг тиббиёт ходимлари эса етарлича шароитлар яратиб берилмаётганидан норози. Бошқа бир жойда вазиятни ўнглай олишига кўзи етмаган давлат раҳбари мамлакатни, халқини ташлаб, ўзини панана оляпти. Яна бир тоифа эса биз коронавирусдан холи ҳудудимиз, дея жанг соляпти, зум ўтмай қурбонлар берганини тан олмакда.

Қисқиси, жаҳон сахнида пандемияга қарши катта жанг бошланган. Унда оқилона йўл тутганларгина вирус тизгинини қўлга олмакда.

Вирусга қарши энг самарали курашаётган давлатлардан бири

Эътиборлиси, Ўзбекистон “тождор” вирусга қарши энг самарали курашаётган давлатлардан бирига айлана олди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати, қатъияти, қабул қилаётган Фармон ва қарорлари ҳамда бевосита кўрсатмалари бу йилда барчага қатъий ишонч бахш этипти, десам, муболага бўлмайди.

Ўзбекистон раҳбари бундан уч йил олдин Нью-Йоркда ватандошлари билан учрашган эди. Уларнинг орасида дўстимиз, тажрибали тиббиёт мутахассиси Амир Махмудов ҳам бор эди. Амир ака билан кейинчалик шу ҳақда гаплашганимизда, у бу учрашувни чинакам тарихий воқеа бўлганини айтганди.

“Ушанда ўз эл-юртини чин қалбдан севадиган, унинг тинчилиги ҳамда тараққиёти учун бутун борлигини бахш этишга тайёр инсон, юксак салоҳият ва катта қалб соҳиб халқимизга бош бўлиб келганига ишончим комил бўлганди, бундан чексиз фахрийфхор туйғандим” дегани ҳамон эсимда. Бугунги пандемия шароитида Ўзбекистон энг ёқимсиз оқибатларнинг олдини олишга эришаётганига гувоҳ бўлиб, дўстимнинг фикрлари беҳиз эмаслигини теран англаб етдим. Чунки бу Шавкат Мирзиёевнинг халқчил ва манзилли ислохотлари шарофатидан, деб ҳисоблайман.

Фикримча, айнан давлат раҳбарининг

бевосита эътибори, ғамхўрлиги ва қўллаб-қувватлаши Ўзбекистонлик фидойи ҳамда заҳматкаш шифокорларга илҳом берапти. Айнан шу уларга чексиз ишонч, синмас ирода бахш этмоқда. Қаҳрамонликлар сари ундаяпти, деб ўйлайман. Бу эса ўзининг улкан самараларини бермоқда.

Ҳабарларга таяниб айтишим мумкинки, Ўзбекистонда касалликча чалинганларнинг 80 фоизи соғайганининг ўзи айна шу сайҳ-харакатлар меваси бўлса керак. Хўш, бунга қандай эришилди? Мен бу жараёни ўзимча 3 та омилга боғлиқ, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, шифокорларнинг ватанпарварлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Босис вирус уларга юқishi мумкин. Бу билан туриб ўзини ўтга отишдек гап. Шу кунга қадар инфекцияга чалинганларни даволаш жараёнида ўнлаб тиббиёт ходимлари касаллиқни юқтириб олганининг ўзи улар катта хавф-хатар билан ёнма-ён юрганини кўрсатиб турибди. Бироқ ўзбекистонлик врачлар асло орта чекинишгани йўқ, касбига содиқ қолиб, куну тун меҳнат қилишяпти. Уларни ҳар қанча олқишласак арзийди. Мамлакат раҳбари томонидан тиббиёт ходимлари ҳар томонлама рағбатлантирилиб келинаётгани ҳам энг тўғри қарор бўлди, деб ҳисоблайман.

Иккинчидан, карантин чекловлари ўз вақтида жорий қилинди. Аҳоли кўп тўпладиган жойларда назорат урнатилди. Бу аҳоли саломатлигини сақлашда қўл келди.

Ҳориждан олиб келинган Ўзбекистон фуқароларининг 14 кунлик карантинда сақланиши, касаллик аниқланганларни тезкор даволаш чоралари кўрилгани ижобий натижага эришишнинг яна бир омили бўлди, дея олам.

Кўрсатилаётган ёрдам чекка ҳудудларгача етиб бормоқда

Шу ўринда бугун қўллаб мамлакатлар аҳолиси ўзбекистонликларга ҳавас қилаётганини таъкидлаб ўтишим керак. Биласизми нега?

Сабаби Ўзбекистон баъзи ривожланган мамлакатлар каби моддиятни фуқаролар соғлиғидан устун қўймади. Қатор давлатлар коронавирус юқтириб олган ўз фуқаросини пулга даволаяпти. Ночор, ёлғиз қариялар эса эътибордан четда қолаёттир, гўёки улар ҳеч кимга керак эмасдек. Ўзбекистонда эса COVID-19 га чалинганлар бепул даволанмоқда. Касаллик тарқалиб кетишининг олдини олиш учун қисқа муддат ичида бир неча тиббиёт муассасаси қурилиши ва иш бошлаши ҳар қанча мақтовга лойиқ.

Баъзи давлатлар тиббиёт ниқоблари, даволаш учун керакли асбоб-ускуналар етишмаётганидан ёзғирган бир пайтда, Ўзбекистонда бу борада деярли биорота муаммо юзга келмади. Аҳоли эҳтиёжлари керагидан ортиқ таъминланди. Нима учун? Менимча, ҳукумат бу балонинг оқибатларини олдиндан кўра билди, унга ўтиб кетувчи оддий, доимий вирус деб қарамади.

Энг муҳими, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар ташлаб қўйилмади. Уларнинг нима еб-ичаётгани, қандай кам-кўсти борлигидан ҳамиша хабардор бўлиб турилди. Мурувват тадбирларининг тизимли ва манзилли бўлишини таъминлаш учун “Саховат ва кўмак” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилгани ҳақида ҳам эшитдим. Бу кўрсатилаётган ёрдамнинг энг чекка ҳудудларгача етиб боришини таъминлагани, шубҳасиз.

Қалбан биргамиз

Синовли кунларда “Она Ватанимизга нафимиз тегсин”, деб Америкада истиқомат қилаётган ўзбекистонликлар ташаббус билан чиқишгани диққатга сазовор. Вашингтонда “Биз Ўзбекистонга бефарқ эмасмиз” фонди ташкил қилинди. Менга фонд ташкил этилганидан кейин қисқа вақт ичида 21 000 АҚШ доллари микдорига маблағ йиғилгани, “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондида ўтказиб берилганини айтишди.

Яна бир қизиқ фактни келтириб ўтмасам бўлмайди. Яқинда АҚШдаги Миллий аллергия ва юкуми касалликлар институти директори Энтони Фаучи вирусни бартараф этиш бўйича ўз хулосаларини баён қилди. Эътиборлиси, пандемияга қарши курашда Ўзбекистон танлаган йўл, унинг тавсияларига тўла мос келади.

Чунони, мутахассис пандемия даврида турли ахборот манбаларига ишонмаслиқни тавсия қилган. Ваҳоланки, Ўзбекистонда аҳоли орасида турли миш-миш тарқалиши, бунинг натижасида ваҳима ўйғонишининг олдини олиш мақсадида касаллик аниқланган илк кунлардаёқ кўрсатмалар, тавсиялар ва ахборотларнинг ягона ҳамда энг тўғри манбаси бўлган — koronavirusinfouz “Телеграм” канали ва махсус сайт ишга туширилди. Бу аҳолининг “тождор” вирусга боғлиқ ҳар қандай маълумотни ишончи манбадан олиш имконини яратди.

Ўзбекистонга хориз давлатлари қатори АҚШ ва унинг ташкилотлари ҳам инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатяпти. Маълумотларга қара, АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистонда коронавирусга қарши сайҳ-харакатлари қўллаб-қувватлашда ҳозиргача кўрсатган бевосита ёрдами 5,92 миллион доллари ташкил этаётган экан.

Жумладан, мамлакатимизнинг Тараққиёт агентлиги бўлган USAID юртингизга тахминан 3,8 миллион доллар қўшимча маблағ ажратибди. Булар коронавирусга қарши кураш ва уни назорат қилишда лабораториялар ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари имкониятини кенгайтиришни давом эттиришга сарфлаганини маълум қилинган. Ўз навбатида, ушбу ташкилот сирдарёликларга қарийб 400 000 АҚШ доллари микдорига озиқ-овқат етказиб берибди.

Қолаверса, АҚШнинг Касалликларни назорат қилиш маркази (CDC) тестлар салоҳиятини ошириш, керакли лаборатория жиҳозларини сотиб олиш учун Ўзбекистонга 2 миллион доллар ажратганини маълум қилди. Бу ҳам давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар қандай шароитда ҳам, ҳатто бугунги оғир кунларда ҳам дўстона ва мустаҳкам эканлигидан далолат беради.

Умуман олганда, Ўзбекистон коронавирус пандемиясига қарши ҳаёт-мамот курашида қатъий ва собит туриб, мисли қўрилмаган ютуқларга эришмоқда. Ўйлайманки, менга қадрдон мамлакат ва унинг халқи биргалликда, бирдамликда бу синовдан ёрғюз билан ўтади. Мен эса уларнинг ёнида бўлмасам-да, касаллик устидан қозонилаётган ҳар бир ғалаба, ҳар бир соғайиб қалбётган ўзбекистонликнинг табассуми қалбимга хотиржамлик бермоқда.

Ва карантин тугаб, йўллар очилса, оила аъзоларин билан, албатта, Ўзбекистонга борамиз.

«Халқ сўзи».

БУ ЗАМИНДАН ЯНА ТЕРМИЗИЙЛАР ЧИҚАДИ



Ўз навбатида, илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари оширилган микдорларда тўланиши, давлат ташкилотларида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланаётган, таълим ҳамда илм-фан соҳасида фаолият олиб бораётган фан номзодлари ва фалсафа докторлари оиллик маошларига 30 фоиз, фан докторлари учун эса 60 фоизгача устама ҳақ белгиланиши мамлакатимизда олий таълим ва илмий фаолият сифатининг юксалишига хизмат қилляпти.

Ана шундай ислохотлар натижалари мамлакатимизнинг жанубий воҳаси — Сурхондарё вилоятида ҳам яққол бўй кўрсатмоқда. Президентимизнинг олий таълимга алоқадор дастлабки, яъни 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига асосан, Термиз шаҳрида Тошкент давлат техника университети ва Тошкент давлат аграр университети филиаллари, 2018 йили Сурхондарёга ташрифлари чоғида берган кўрсатмаларига биноан, ҳудудда Тошкент тиббиёт академияси ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Термиз, Термиз давлат университетининг Денов филиаллари ташкил этилди. Бу, албатта, Сурхон ахли ва ёшларига бўлган юксак эътибор ҳамда ғамхўрлик намунаси бўлиб, 2017 йилгача битта олий таълим муассасаси фаолият қўрсатган бўлса, 2018 йилга келиб улар сони 6 тага етди. Вилоятда қўшни Афғонистон фуқароларини ўқитиш маркази очилиб, уларга олий маълумот берилаётгани ҳам ўзига хос янги тажриба ва тинчлик ҳамда бирдамлик сари дадил қадам бўлди.

Вилоятда ҳукукий маданият ва таълимни ривожлантириш, юридик маълумотга эга кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳаётий зарурат эди. Шу маънода, Юртобшмизнинг 2020 йил 29 апрелдаги Фармони асосида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Термиз давлат университетида юридик факультет

очилиши узоқ кутилган хайрли иш сифатида мамнуният билан қарши олинди.

Бинобарин, Тошкент давлат педагогика университети Термиз филиали ва Термиз давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари негизида Термиз давлат университети педагогика институти ташкил этилишини ҳам яна бир эзгу ташаббус рўёби сифатида баҳолаш мумкин.

Бундан ташқари, Термиз давлат университети Денов филиали негизида Самарқанд давлат университети Денов тадбиркорлик ва педагогика институти фаолияти йўлга қўйилиши орқали, аввало, олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, қолаверса, ҳудудларда олий таълим қамрови даражасини 50 фоиздан ошириш мақсад қилинган.

Хўш, бундай янгилинишларда университетимизнинг иштироки қандай? Унинг зиммасига қандай масъулиятли вазифалар юклатилган? Самара қандай бўлаётти?

Термиз давлат университетиди 15 та факультет, 43 та кафедра мавжуд. 21620 нафар талабага 706 нафар профессор-ўқитувчи илм ва касб сирларини пухта ўргатмоқда.

Шу ўринда қизиқ бир маълумотни келтирсак: 2010 — 2017 йиллар давомида бу ерда бирорта ҳам диссертация ҳимоя қилинмаган. Бу саккиз йил давомида муассасада илмий фаолият йўналиши қонқарсиз бўлганини аниглади. Энди-чи? Кейинги уч йилдаги натижалар қуйидагича: 2018 йилда беш нафар, 2019 йилда 22 нафар тадқиқотчи докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2020 йилда эса мазкур кўрсаткич 50 нафардан ортиши кутिलाёттир. Бунда ўтган йили университетимиз тарихида илк бор учта Илмий кенгаш очилгани муҳим ўрин тутаяпти.

Албатта, ўсишга эришиляпти. Аммо бу биз учун ҳали етарли натижа эмас. Шунинг учун олий ўқув юрти нуфузини янада юксалтириш мақсадида 2030 йилга бориб, университет илмий салоҳиятини 50 фоиздан оширмоқчимиз.

Ҳозирги интеграциялашув даврида ўз қобилига ўрналиб ишлаган ва яшаганлар ютқазishi табиий. Аксинча, замон билан ҳаммадамлик зарур! Энг илгор янгиликларни ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш фақат ва фақат муваффақият келтиради. Ана шу зарурат асосида дунёнинг 20 дан ортиқ етакчи олий таълим муассасалари билан алоқаларимизни янада мустаҳкамладик. Сўнгги вақтларда Термиз давлат

Шерободда қовун пишди

Шеробод туманидаги “Шеробод Агро Импекс” масъулияти чекланган жамияти томонидан бу йил 25 гектар ерда қовуннинг Нидерландиядан олиб келинган “Маззин” ва “Дакура” навлари экилиб, парваришланди. Юқори агротехника тадбирлари натижасида бугун ана шу полиз экинни ҳосили пишиб етилди.

Омилкорлик

Айни пайтда эртапишар қовунлар халқимиз дастурхонига тақдим этилмоқда. Шунингдек, маҳсулотнинг бир қисми экспортга ҳам йўналтирилади.

Сурхондарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Х. Самадов ҳамда



Шеробод тумани ҳокими Алишер Амиров қовун етиштирилган пайкаларда бўлиб, деҳқончиликда ўзлаштирилаётган истиқболли лойиҳа самаралари билан танишди.

Келгусида туманда эртапишар қовун етиштирилаётган майдонларни кенгайтириш, нафақат ички бозор, балки ташқи савдо ҳажмини ҳам ошириш кўзда тутилган.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

университетида таҳсил олиш истagini билдираётган чет эллик ёшлар сони ҳам тобора кўпайиб бораёттир. Табиийки, буларнинг барчаси муассасамиз нуфузи ва салоҳияти юксалаётганидан далолат беради.

Бугун университетимиз ҳудуди мўъжазгина шаҳарчани эслатади. 20 гектар майдон обод ва кўркем. Қўшимча бинолар қад ростлаяпти. Термиз шаҳридаги Ахборот технологиялари ва туризм коллежи биноси, Бойсун туманидаги “Дарбанд” болалар оромгоҳи олий таълим даргоҳимиз ҳисобига ўтказилган, имкониятини янаям кенгайтиди.

Эътибор ва рағбатда гап кўп. Фаолият самарадорлигини юксалтиришда ҳар икки омилнинг ўрни беқиёс. Мана, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан университетимиз профессор-ўқитувчилари ва ишчи ходимлари учун 64 хонадонли кўп қаватли турархўй барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу уларда илм-фан фидойилари, олий таълим тизими заҳматкашлари мазмунли ҳаёт кечиришмоқда. Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий мактабгача таълим муассасаси ва мактаб фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса муассасамизда бочкадан токи олий таълимдан кейинги илмий босқингача бўлган таълим кластерини яратишга имкон бери.

Шу билан бирга, ўтган йили Инвестиция дастурига мувофиқ, 15,3 миллиард сўмлик 400 ўринли талабалар турархўйи барпо этилди. Жаҳон стандартларига мос мазкур бинода яратилган шар-шароит ва кулайликлардан ёшлар мамнун. Жорий йил сентябрь ойида ҳўжалик ҳисобидан 1000 ўринли янги ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилиши кутуляпти.

Сурхондарё — буюк мутафаккирлар юрти. Бу замин Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Самандар Термизий, Собир Термизий каби алломаларни воёга етказган. Улар қолдирган бой илмий мерос, китоб ва рисоалар инсоният маънавий оламини бойитган бебаҳо ҳазина сифатида юксак қадрланади.

Бугунги ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам шу: илм-фаннимизни янада тараққий эттиришдан, Ватанимиз доврўғини дунёга ёйдиган баркамол авлодни тарбиялаш. Бинобарин, ҳозирги имконият ва салоҳият бу воҳадан яна термизийлар чиқишига ишончимизни оширади. Университетимиз бу борада таянч олий таълим муассасаси сифатида камарбаста бўлаверди.

Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Термиз давлат университети ректори,
Олий Махлиси Сенати аъзоси.

Томорқасидан барака йиғиштираётган отахонлар

Каттақўрғоннинг Қирғиз маҳалласида яшовчи Сирохиддин ака ва Иззатилла ака — бир девор қўшни. Икковлари ҳам 70 ёшга қоралаган бўлса-да, тинишмайди, оёқ узатиб ўтиришни ўзларига эп қўришмайди.

Ибрат

— Томорқамизнинг 6 сотихига нок экканам, — дейди Иззатилла Ҳосилов. — Ноклар оралиғида малина, кулупна, картошка, пиёз, помидор, дегандай рўзғорга керакли सबзавотлар етиштираман. 6 тўп гилосдан ҳам ҳар йили яхши ҳосил олам. Сўлса, 9 сотих ердан 20 миллион сўмгача даромад қиламан.

Асаларини бежиз “Етти хазинанинг бири” дейишмайди. Унинг фойдаси катта. Асали, захри, прополиси, гулчанги кўпгина касалликларга даво. Сирохиддин Саидҳамедов шунинг учун ҳам асаларичилик билан шуғулланади. Йилгига камида 100 миллион сўм даромад қилади.

— Хонадонимизга асаларини 1963 йилда раҳматли отам олиб келган эди, — дейди С. Саидҳамедов. — Ўшанда етти ёшда эдим. Шундан бери асаларичилик билан шуғулланиб келаман. 20 дан зиёд шоғирдлар тайёрладим. Уларнинг энг кичиги 15 ёшда. Шоғирдларим орасида 85 ёшли отахон ҳам бор. Ўтган йили 110 дан зиёд асаларилар оиласидан 1 тонна 300 килограмм асал олди. Бу йил 155 оила асалари боккаётган бўлсак, 2 тонна асал олишни режалаштириб турибмиз. Сирохиддин ака фақат асалдан эмас, балки асаларилар оиласини кўпайтириб сотиш орқали ҳам мўймай даромад топтомда.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Кластер тизими пиллачиликда ҳам самара бермоқда

Пиллачиликда бугун Навоий вилояти бўйича учта — “Қизилтепа пилла хазинаси”, “Ал-Азиз ипаги” ҳамда “Хатирчи пилла хазинаси” масъулияти чекланган жамиятлари кластер корхоналари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда жорий йил 16 минг 183 қути пилла қурти парваришлан, 890 тонна ҳосил олиш режалаштирилган бўлиб, қарийб 10 минг аҳоли мазкур ишларга жалб этилди.

Ипакчилик

— Уларга ҳар бир қути пилла қурти парвариши учун 180 минг сўмдан бўнак пули берилди, — дейди “Навоий ҳудудий агропилла” масъулияти чекланган жамияти бош агрономи Хислат Очлов. — Қонимех ва Навбахор туманларида эса қўшимча равишда ҳар бир қути учун беш литрдан ўсимлик ёғи ва бир қопдан ун берилди.

Сир эмас, ақин-ақинларгача ипак қурти боқувчилар топширган маҳсулотига йиллар давомида ҳақ ололмаган, шу сабаб соҳадан кўнгли совиған эди. Кластер тўфайли бугуннинг йўриғи бошқача тўс олди. Мисол учун, Кармана туманининг Нурафшон маҳалласида

истиқомат қилувчи Хусен Орзиев 1996 йилдан буён пилла тайёрлаш билан шуғулланиб келади. Унинг бу борадаги фикрига эътибор беринг-а:

— Ўтган йили уруғлик сифатли бўлмагани босис кўпгина пиллакорларимиз зарар кўрганди, — дейди Х. Орзиев. — Ана шундай оғир шароитда ҳам кластер корхонаси меҳнатимизга яраша ҳақ тўлаб берди. Бу йил бундай муаммолар кузатилганини йўқ. Мавсум бошида 900 минг сўм бўнак тариқасида берилди. Ҳозир пилламиз деярли тайёр бўлиб қолди. Ҳадемай топширамиз.

Хатирчи тумани Полвонота маҳалласида яшовчи Одил Ёғамбердиев эса

саккиз йилдан буён ипак қурти боқади.

— 70 сотих майдонда тутзоримиз бор, — дейди у. — Икки йилдан буён кластер корхонаси билан ижара шартномаси асосида ишлаймиз. Оиламиз даромади шундан. Йилда икки маротаба пилла етиштирамиз. Қорамолларимиз бор, тут қаторлари орасида арпа ва бўғдой етиштириб, улардан ҳам фойда оламиз. Ўтган йили биринчи мавсумга ҳар бир килограмм етиштирилган пилла учун 16 — 18 минг сўмдан, иккинчи мавсумда 20 минг сўмдан тарозис бошидаёқ ҳақ тўлаб берилмади. Даромад келиб турса, одам оғринмай ишлайди-да.

Таъкидлаш жоизки, пиллачилик ривожиди унинг озуқа базаси муҳим аҳмиятга эга. Шу жиҳатдан эътибор қаратилса, бугун Навоий вилоятида 1225 гектар тутзор мавжуд бўлиб, унинг 43 гектари жорий йилда барпо этилган.

Вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи Ўктам Ҳомидовнинг айтишича, мавжуд тутзорлар халтовдан ўтказилганида жами 239 та контурдаги 290,1 гектар, яъни 24,5 фоиз тут план-

тацияларининг ҳолати ўта ачинарли эканлиги аниқланган. Бу, айниқса, Хатирчи, Навбахор ва Кармана туманларида жиддий эътиборни талаб этади. Шунингдек, ғалла ва пахта майдонлари атрофидаги яқка тут қаторлари ҳолатини яхшилаш бўйича тезкор чоралар белгилаш фурсати аллақачон етган.

Яна бир масала. Вилоятда тут экиш ишлари, асосан, ҳудудий “Агропилла” МЧЖлари томонидан олиб борилади. Афсуски, аҳоли томонидан янги плантацияларда мол боқиш ёки бошқа бефарқликлар тўфайли тутзорларга зарар етказиш ҳолатлари ҳар йили кузатишмоқда. Бундан ташқари, вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармасининг таҳлилларига қўра, Навбахор ҳамда Қизилтепа туманларида тут плантацияларини ноқонуний бўзиб ташлаш, Кармана туманида эса тутзорлар ўрнида бошқа турдаги дарахтлар экиш ҳолатлари ҳам кузатишган. Албатта, бу жараёнларга ҳам бефарқ қараб бўлмайди. Дарҳақиқат, пиллачилик мамлакатимиз



Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово